

ҚОРАМОЛЛАРДА ТУЁҚ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ОРТОПЕДИК ИШЛОВ БЕРИШ

Арзиев Х.Ю., Жумамуратов Э.Ж., Атаниязов С.Б., Есбоганова М.М.
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети Нукус филиали

Аннотация. Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикаси худудидаги йирик шохли ҳайвонлар орасида учрайдиган туёқ ўсишлари ва уларга ортопедик ишлов бериш туғрисида маълумотлар келтирилган. Маҳаллий зотдаги қишлоқ шароитида парваришланаётган йирик шохли ҳайвонларнинг 1,2 фоизида, хориждан келтирилган наслдор йирик шохли ҳайвонларда туёқ ўсиши 13,1 фоизида кузатилган. Туёғи ўсган йирик шохли ҳайвонларга вақтида ортопедик ишлов берилиши лозим агарда бундай ишлов берилмаса, у албатта ҳайвонларда туёқ касалликларига олиб келиши таъкидланган.

Калит сўзлар. Жарроҳлик, консерватив даволаш, оператив даволаш дерматит, флегмона, тилома, артрит, подерматит, йирингли-некротик яра.

Кириш. Бугунги кунда Республикамизда яшаётган аҳоли сонини жадал суратларда ортиши натижасида чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб даражасини купайтиради. Шунинг учун ҳам чорвачилик соҳасини ривожлантириш ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотлар миқдорини ошириш ветеринария ходимларининг олдига юксак вазифаларни қўяди.

Қорақалпоғистон Республикаси чорва молларидан олинадиган маҳсулотлар етиштириш бўйича салмоқли уринни эгаллайди. Муҳтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан 2019 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4512 -сонли “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора тадбирлари туғрисида” ги қарорига мувофиқ Тахтакупир, Бузатов, Қунғирот ва Муйноқ туманлари чорвачиликка ихтисослашган худудга айлантирилди. Ушбу қарорда белгиланган вазифаларни бажариш учун тажрибали ветеринария мутахассисларини тайёрлаш, соғлом ҳайвонлардан иборат пода структурасини яратиш, ҳамда улардан экологик тоза, сифатли ва куп миқдорда маҳсулотлар етиштириш кузда тутилган булиб, бу муаммоларни ҳал қилиш ҳозирги вақтда долзарб вазифа ҳисобланади. Аҳоли эҳтиёжини таъминлайдиган гушт, сут ва улардан олинадиган маҳсулотлар асосан шу худудларда парваришланаётган қорамоллардан олинади. Қорамоллар орасида турли хил инфекцион, инвазион ва юқумсиз касалликлар учраши натижасида улардан керакли даражада маҳсулот етиштириш режаси амалга ошмай қолмоқда. Қорамолларда учрайдиган туёқ касалликлари ҳам ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотлар миқдорини пасайишига олиб келади. Ҳайвонларнинг туёқ касалликлари хирургик касалликлар сирасига кирсада, уларнинг ривожланиш механизмида инфекцион касалликлар кўзгатувчиларининг роли катта аҳамиятга эга. Қорамоллардан олинадиган маҳсулотлар миқдорини купайтириш учун аввалом бор туёқ касалликлари муаммосини бартараф этиш лозим. Туёқ

касаллиги ошириш заруриятини пайдо қилади. Бунинг учун биринчи навбатда парваришланаётган ҳайвонлар бош сонини купайтириш ва улардан олинадиган ҳайвонот дунёси маҳсулотларини миқдорини ошириш, ҳамда сифат курсаткичларини яхшилаш муаммоларини ечиш ҳозирги кунда долзарб масала ҳисобланади.

Ҳайвонларнинг инфекцион касалликлари улардан олинадиган маҳсулотларига миқдор ва сифат жиҳатдан салбий таъсир курсатади. Инфекцион касалликларга қарши тулиқ ветеринария тадбирлари ўтказилган билан улардан кузланган чорва маҳсулотлари олишга эришиб булмаяпти сабаби инвазион касалликлар ҳам катта иқтисодий зарар келтирмоқда. Инвазион касалликлардан ҳайвонлар орасида бир неча турдаги гельминтлар касаллик чақиради, лекин энг кўп учрайдигани фасциолёз касаллигидир. Инвазион касалликлардан ҳайвонлар орасида асосан фасциолёз касаллиги катта иқтисодий зарар келтиради. Кейинги йилларда ҳайвонлар орасида фасциолёз касаллигининг тарқалиш бўйича адабиёт маълумотлари таҳлиliga тухталиб ўтамыз.

Дунё мамлакатлари миқёсида ветеринария илм-фани ва амалиётида шу кунга қадар маҳсулдор сигирларда бармоқлараро дерматит жараёнларининг келиб чиқиши, тарқалиши ва иқтисодий зарарини аниқлаш бўйича тизимли илмий тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан ушбу касалликларга ўз вақтида ташхис қўйиш, самарали даволаш ва олдини олиш усуллари етарлича илмий асосланмаган. Маҳсулдор сигирлар орасида кенг тарқалган бармоқлараро дерматит жараёнларини барвақт диагностика қилиш, консерватив ва оператив даволаш ҳамда олдини олиш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Республикамизнинг қорамолчилик хўжаликларига четдан келтирилган юқори маҳсулдор сигирлар орасида тарқалган жарроҳлик касалликларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам ўтказилиб борилаётганлигига қарамасдан, уларда бармоқлараро дерматит жараёнларини билан мавсумий касалланиш даражаси юқорилигича колмоқда. Маҳсулдор сигирларда туёқлар патологиялари оқибатида маҳсулдорлик ва пуштдорликнинг кескин пасайиши ҳамда ветеринария харажатларининг ортишидан чорвачиликка ихтисослашган қорамолчилик хўжаликлари катта иқтисодий зарар кўрмоқда. Шу боисдан маҳсулдор қорамолларда бармоқлараро дерматит жараёнларини республикамизнинг ҳудудий иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда эртачи ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотчилар маълумотлари бўйича 93,5-95,2% ҳолатда ҳайвонларнинг орқа оёқлари, 10-12% ҳолатда эса иккала оёғининг ҳам зарарланиши аниқланган. Шунингдек, ҳайвонларда туёқ касалликларининг ичида йирингли пододерматит ҳамда йирингли-некротик яралар устунлик қилади ва улар қайд этилган умумий ҳолатларнинг 40-50 фоизини ташкил этади [3].

Сут йўналишидаги йирик шохли молларда асосий жарроҳлик патологияларининг муаммоларидан бири йирингли-яллиғланишлар, яъни дерматозлар ҳисобланиб, улар аксарият ҳолларда оёқларнинг дистал бўлимини зарарланиши – юмшоқ товон яралари, йирингли пододерматитлар, флегмоналар, тиломалар, шунингдек, ҳайвон танасининг турли соҳаларидаги дерматитлар ва экземалар кўринишидаги патологиялар кузатилган [4].

Илмий тадқиқотчилар томонидан йирингли-некротик жараёнлар билан кечадиган касалликлар орасида ламинитлар ва подерматитлар, шунингдек туёқлараро тирқиш ва туёқларнинг дерматитлари, флегмоналар ва туёқ бўғимларининг артритлари устунлик қилиши аниқланган [2].

В.Н.Банниковнинг тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, хўжаликларда 20% дан 40% гача сигирларда оёқлар дистал бўлимининг турли этиологияли касалликлари мавжуд бўлиб, ҳайвонлар маҳсулдорлигини сезиларли даражада пасайтиради. Касаллик этиологияси ва давомийлиги билан боғлиқ равишда сут маҳсулоти 35% дан 65% гача йўқотилади [1].

Тадқиқот мақсади. Қорақалпоғистон Республикаси Хужайли тумани шароитида йирик шохли ҳайвонлари орасида учрайдиган туёқ касалликларини олдини олдини олиш учун ортопедик ишлов бериш

Тадқиқот вазифаси. 1. Маҳаллий ва хориждан келтирилган зотдор қорамоллар миқёсида йирик шохли ҳайвонлар туёқлари ўсишининг ўрганилганлик даражасини аниқлаш.

2. Қорақалпоғистон Республикасида шароитида йирик шохли ҳайвонлари орасида туёқ ўсишининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш.

3. Касалликни олдини олиш учун ортопедик ишлов бериш чора тадбирларни ташкил этиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Илмий тадқиқот ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Хужайли тумани Амударё АПЖ да жойлашган “Мўйноқ келажаги бунёдкорлари” маъсуляти чекланган жамиятига қарашли хужалигида 244 бош йирик шохли ҳайвонларда ва шу туманнинг шаншар, хужа, давлатбай қишлоқлари худудларида парваришланаётган 168 бош қорамолларда, ҳамда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали ўқув лабораториясида олиб борилди.

Тадқиқот натижалари. Қорақалпоғистон Республикаси Хужайли тумани Амударё АПЖда жойлашган “Мўйноқ келажаги бунёдкорлари” маъсуляти чекланган жамиятига қарашли чорвачилик хужалигида сақланаётган қорамоллар юргизиб куриш усули билан текширилиб улардаги оқсоқланиш ҳолатига қараб йирик шохли ҳайвонларда туёқ касаллиги борлиги аниқланди. Ўтказилган текширишлар шуни курсатадики маҳаллий зотдаги қишлоқ шароитида парваришланаётган йирик шохли ҳайвонлар кўп бўш юриши натижасида туёқлари доимо едирилиб туради. Шунинг учун ҳам қишлоқларда парваришланаётган 168 бош йирик шохли ҳайвонлардан 2 бошида (1,2 %) туёқ ўсиш ҳолати кузатилди. Хориждан келтирилган наслдор йирик шохли ҳайвонлар бир жойда сақланиши ва тана вазнининг оғирлиги туфайли туёқ ўсиши кўп учрайди “Муйноқ келажаги бунёдкорлари”

маъсуляти чекланган жамиятига қарашли хужалигида 244 бош йирик шохли ҳайвонлардан 32 бошида (13,1 %) туёқ ўсишининг борлиги аниқланди.

Аниқланган 34 бош йирик шохли ҳайвонларнинг барчасини туёқларига ортопедик ишлов берилди. Бунинг учун қорамоллар махсус станокда солиниб фиксация қилинди. Сунгра туёқ кескич қайчи билан туёқларнинг ўсган қисми кесиб олиб ташланди ва махсус пичоқ, ҳамда эговлар билан ортопедик ишлов берилди. Агарда туёғи ўсган йирик шохли ҳайвонларга вақтида ортопедик ишлов берилмаса, у албатта ҳайвонларда туёқ касалликларига олиб келади.

Хулоса. Ўтказилган илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра қўйидагича хулосалар қилишимиз мумкин. Маҳаллий зотдаги қишлоқ шароитида парваришланаётган йирик шохли ҳайвонларнинг 1,2 фоизида туёқ ўсиши борлиги аниқланди. Хориждан келтирилган наслдор йирик шохли ҳайвонларда туёқ ўсиши 13,1 фоизни ташкил қилди. Туёғи ўсган йирик шохли ҳайвонларга вақтида ортопедик ишлов берилиши лозим агарда бундай ишлов берилмаса, у албатта ҳайвонларда туёқ касалликларига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Банников В.Н. Педилан-новый подход к инфекционному заболеванию копытец // РацВетИнформ. Ярославль, 2007. -№ 7. –С. 15-16.

2. Волотко И., Безин А., Бутакова Н. Профилактика и лечение болезней дистального отдела конечностей коров // Ветеринария сельскохозяйственных животных. Оренбург, 2015. -1/2. –С. 40-45.

3. Гугкаева М.С., Чеходариди Ф.Н. Комплексная терапия гнойного пододерматита у коров // Вестник ветеринарии. Казань, 2011. -№ 57. –С. 67-72

4. Журба В.А. Клинический статус крупного рогатого скота сгнойными поражениями конечностей при наружном применении Гель-этония 1% // Ученые Записки УО ВГАВМ. Витебск, 2014. -т.50. вып.1.ч.1. –С. 102-106.

ҚОРАМОЛЛАРДА ҚИСРЛИК ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Комилжонов С.К., Азимжонов З.Х.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Аннотация. Ушбу мақолада қорамолчиликда иқтисодий аҳамаиятга, бугуннинг долзаб масаласи саналган қорамоллар қисрлиги, унинг хўжаликдаги иқтисодий кўрсаткичларига таъсири ҳақида маълумотлар берилган.